

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 16

Тошкент шаҳри

2022 йил «_26_» январь

Бундан буён «Сотувчи» деб юритилувчи «ANSOR DESENT TRADE» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Маликов А.** бир томондан ва бундан буён «Харидор» Вилоят Юкумли касалликлар шифохонаси номидан Устав асосида иш юритувчи раҳбари З.Х. Мадрисов иккинчи томондан қуйидагилар ҳақида туздик.

1. Шартнома предмети

1.1. Сотувчи ушбу шартноманинг 2.1.-бандида кўрсатилган Товарни сотиш, Харидор эса уни қабул қилиш ва ҳақини ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

2. Товар қиймати ва тўлов шартлари

2.1. Товар тавсифи ва қиймати қуйидагича:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Товар жами нархи
1	Не стерильный перчатки 7.5	Шт	7 800	890	6 942 000
Жами					6 942 000 сўм

Товар қиймати: 6 942 000 (_ олти миллион тўққиз юз қирк икки минг) сўм ҚҚСсиз.

2.2. Харидор Товар қийматининг камида 30 % миқдоридagi тўловни мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида Сотувчининг банк ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.3. Товар қийматининг қолган 70 % миқдоридagi тўлов Товар қабул қилиниб, ҳисоб-фактура расмийлаштирилгач 10 кун муддат ичида тўлаб берилади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. Харидор Товар учун олдиндан тўлов амалга оширилгач 20 кун ичида Товарни Харидорга топшириш мажбуриятини олади;

3.2. Харидор Товар қийматини ушбу шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Товарни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган ҳолларда, Сотувчи Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни Товарни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Етказиб берилган Товар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Харидор Сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5. Низоларни ҳал қилиш

5.1. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса – суд орқали ҳал қилинади.

6. Форс-мажор

6.1. Ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари: зилзила, сув тошқини, бошқа табиий офатлар, оммавий тартибсизликлар, иш ташлаш, тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар туфайли юзага келган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

6.2. Ишни бажаришга монелик қилаётган энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини важ қилиб кўрсатаётган Тараф бу ҳақда бошқа Тарафни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

6.3. Ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш муддати энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунга қадар чўзилади.

6.4. Энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари юзага келганлиги ҳақида аввалдан хабардор қилмай ўз мажбуриятларини бажармаган Тараф уларни важ қилиб кўрсатиш ҳуқуқини йўқотади.

7. Шартноманинг амал қилиш муддати

7.1. Мазкур Шартнома Тарафлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

8. Бошқа шартлар

8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда ҳар иккала Тарафлар томонидан имзоланганда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сакланади.

9. Томонларнинг реквизитлари ва имзолари

Сотувчи:	Харидор:
" ANSOR DECENT TRADE "MChJ	Вилоят Юқумли касалликлар шифохонаси
Манзили: Тошкент шаҳар Қибрай тумани УНКУРГАН, ВАХОР MFY, 49	Урганч ил Саноатчилар ИБ
Р/сч 20208000405298542001	ш/кв 1000 21860334017073201054004
Ўзсаноат қурилиш банк Сергели филиали, Тошкент ш.	ИМН 203435764
МФӨ 00403	ОКОНХ 81511
ИНН 307869202 ОКЕД 46900	Машия Вазирова Бунёдчи
Рахбар: Маликов А.	Рахбар: АСООН 3.Х. Мадрисов
Мухр	Мухр

Юристинг

